

ТАРИХИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИДЕАЛЛАР, ҲАМДА УЛАРДА АКСИОЛОГИК МУНОСАБАТГА ЎРГАТИШ МАСАЛАСИ

Турсунова Дилноза

Қўқон ДПИ докторанти

Аннотация:

Мақола, тарихий ва маънавий идеаллар, ҳамда уларда аксиологик муносабатини ривожлантириш долзарблиги муаммоларни таҳлил қилиб жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитин кўриб чиқади, ишончли, оммавий маданиятни ривожлантириш учун самарали стратегик йўналишларни кўриб чиқишда маънавий идеал ҳақида таҳлил қилади. Мақолада миллий ва жамоий-маънавий ривожланиши, демократик жиҳатлар, глобаллашув ва уларнинг миллий маданиятга таъсирлари ҳақида сўз олиб борилган.

Калит сўзлар: маънавий идеал, жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити, миллий маданият, глобаллашув, демократик жиҳатлар, миллий юксалиш, инновация, тизим.

Мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, аҳолини турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Биз ҳозир глобаллашувнинг инсон ҳаётини деярли ҳамма жиҳатларига дахл қилаётган, жамият ҳаётини тубдан ўзгартираётган, ўзининг барча ижобий ютуқлари билан биргаликда миллий онгдаги эврилишларга, маънавий-ахлоқий кадриятларимизнинг муайян жиҳатдан емирилишига кучли таъсир ўтказаётган таҳликали шароитда яшамоқдамиз. Шундай экан жараёнинг фақат ижобий натижаларига маҳлиё бўлиб, салбий натижаларига эътиборсизлик билан қараш миллат келажаги, юрт равнақи учун хавф-хатардир. Ачинарлиси, шуки жойларда жамиятимиз ижтимоий-маънавий муҳитининг беқарорлашувига сабаб бўлаётган, миллат, Ватан, инсон шаъни учун тамға бўлаётган “оммавий маданият”нинг кўринишлари, муайян ахлоқсизлик, миллий кадриятларга нисбатан беписандик, масъулиятсизлик ҳолатларнинг учраб турганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ваҳоланки, “Оммавий



маданият”нинг миллатлар ва халқлар маънавиятининг емирувчи омили сифатида намоён бўлиши инсониятнинг миллий замини ва ўзлигидан бегоналашувига олиб келмоқда. Ушбу жараёнда фуқаролар таҳлил қобилиятини шакллантириш, мавжуд хавфларга қарши маърифий курашчанликни кучайтириш, юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш, профилактика ишларини самарали тизимини йўлга қўйиш, огоҳлик ва хушёрликни ошириш каби тизимли ишларни талаб қилади. Агар мазкур тизимга эътибор қаратилмаса, унда, миллий қиёфаси ва миллиймаънавий кадрларидан маҳрум бўлган, оломоннинг шаклланишига олиб келади. Шундай экан, ҳозирда миллий ахлоқимизга нисбатан мавжуд таҳдидларни бартараф этиш улардан ҳимояланиш борасида ички имкониятларимизни ишга солишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бунда энг таъсирчан усул воситаларидан самарали фойдаланиш керак бўлади.

Ўзбекистонда демократик жиҳатларнинг янада чуқурлашиб, фуқаролик жамиятининг эса тобора ривожланиб бораётганлиги реал имконият, шаффоф идеал гармониясининг нечоғлик қудратга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Реал имконият ва шаффоф идеал гармонияси ҳар бир миллат, давлат тақдирида тарихан аниқ намоён бўлади ва давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янги инновациялар билан бойиб бораверади.

Шу ўринда биз юқоридаги муҳитларда қарор топтирилиши мақсад қилиб олинган “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити” тушунчасига ҳам тўхталиб ўтсак. Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити мураккаб ижтимоий воқелиқдир. Ушбу воқелиқ негизида шахс – гуруҳ (жамоа) – жамият ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ахлоқий муносабатлар ётади. Мазкур муҳит ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, жамият маънавий - ахлоқий муҳити шахс, гуруҳ ва жамоанинг ахлоқий фаолиятини белгиловчи мезонларнинг маконда таркиб топиши; Иккинчидан шахс ва жамият муносабатларини тартибга солувчи ва йўналтирувчи омил ҳисобланади; Учинчидан, ҳар бир жамият ўз маънавий-ахлоқий муҳитини яратади. Ижтимоий тузум ўзгариши билан маънавий-ахлоқий муҳит ҳам ўзгаради. Ўзгараётган ижтимоий муҳитга инсоннинг адаптация (мослашиш, кўникиш) қобилияти мувофиқ бўлмоғи лозим. Инсон ўзгарган муҳитнинг талаб ва эҳтиёжларига ўзини мосламаса бир қатор муаммолар келиб чиқади.



Демак, hozirда yangilanaётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга нафақат мослашиш балки, унда фаол иштирок этиш, шахсий ташабускорлик кўрсатиш давр талаби. Жамиятнинг маънавий муҳити унинг адолатли равишда ривожланиш хусусиятларини, унинг ахлоқий муҳити унда қадриятларнинг таркиб топиш йўналишларини ифодалайди. Демак, жамият маънавий-ахлоқий муҳити янги нормалар, принциплар, қоидалар ва қарашларни тақозо этади. Жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг асосий меъёри жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом ривожлантиришдан иборат. Унинг принципи эса ахлоқий меъёр ва мезонга амал қилишдир.

Маънавий идеал қанчалик аниқ ва етти марта ўлчаб бир кесиш тамойилига асосланган ҳолда яратилса, у шунчалик ҳаётий бўлишлигини мустақиллик йиллари тарихи кўрсатиб турибди. Мамлакатда ушбу соҳада нафақат биз, балки кўплаб хориж мамлакатлари учун аҳамиятга молик тажриба тўпланди. Ушбу тажрибани назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш hozirги кунда миллий ижтимоий фалсафамизнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, маънавий идеал ва ижтимоий реаллик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсирнинг меъёри, Маънавий идеалва реалликдаги мутаносибликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаёти равақатидаги ўрнини ўрганиш ва ундан методологик хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий ва маънавий идеаллар ҳамда уларга аксиологик муносабатини ривожлантиришнинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, умуминсоний маънавий идеалнинг муҳим таркибий қисми бўлган, миллий идеалнинг умуминсоний идеалдан озикланиши ва умуминсоний идеалнинг шаклланиши, такомиллашувида миллий идеалнинг ўрни ва ролини мустақиллик шароитида, миллий идеални тиклаш, уни янги мазмун билан бойитиш, унинг гуманистик қадрини халқларо миқёсда трансформация қилиш амалиёти орқали, таҳлил этишга нисбатан заруриятнинг кун сайин ортиб бораётганлиги.

Иккинчидан, маънавий идеалнинг мазмуни ва уни ҳаракатга келтирувчи кучларни очиқ бериш ижтимоий фалсафада муҳим муаммо ҳисобланади. Маънавий идеал ва реалликнинг мазмунини ташкил этувчи тушунчаларни аниқлаш, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш асосида аниқ бир тизимни яратиш, алоҳида олинган тушунчалар эволюциясини кўриб чиқиш,



миллий идеални ҳаракатга келтирувчи кучлар, уларнинг табиатини таҳлил этиш аҳамиятлидир. Миллий идеал миллатнинг тарихий тақомили билан баробар ривожланувчи ҳодиса. Бугун ўзбек миллий идеали ўзбек миллати яратган ижтимоий идеаллар синтезидир.

Учинчидан, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизация ва ислоҳ этиш шароитида миллатнинг асрий орзу умидлари бўлган миллий юксалиш каби ижтимоий идеалга талаб бир неча баробар ортиб бормоқда. Бу мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги ислоҳотлар жараёнида ўз ифодасини топмоқда. Жамият тараққиёти Маънавий идеалва реалликнинг ўзаро алоқадорлигини назарий ва амалий нуқтаи назардан янгилашни талаб қилади.

Тўртинчидан, глобаллашув жараёнининг кенгайиб ва чуқурлашиб бориши умуминсоний ва миллий идеал нисбатини жиддий таҳлил этишни тақозо қилмоқда. Глобализмда умуминсонийликдан кўра маълум бир давлат ва кучлар манфаати демократия ниқоби остида биринчи ўринга чиқмоқда, глобаллашувга субъектсиз кириб бориш, “оммавий маданият” кабилар кенг тарғиб қилинмоқда. Шунинг учун бугун глобализм ва у билан боғлиқ мафкуралар, уларнинг зарарли оқибатларини очиб ташлаш, миллий идеални мазмунан бойитиш, унинг жозиба кучини оширувчи омилларини яратишни талаб қилмоқда.

Бешинчидан, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Ижтимоий субъектларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини, уларнинг ижтимоий идеални ўзлаштириши, реал ҳаётда ушбу идеалларнинг қандай ҳажм, мазмун ва тезликда амалга ошириб бораётганини кўра билиш, баҳолаши, унда ўз иштирокини объективлаштириш маданиятини шакллантириш масаласи тобора долзарбланимоқда. Маънавий идеал ва ижтимоий реаллик диалектикасини тадқиқ қилиш ушбу жараёни тизимли билишда ва шахснинг фидоий фуқаро сифатида ижтимоий идеалларни ҳаётийлаштиришига, янги идеалларни шакллантиришига хизмат қилади.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари жадал ривожланиб борар эканми, аҳоли, айниқса ёшлар онги ва дунёқарашини миллий кадриятлар асосида бойитиб боришда, миллий кадриятларимизни ички ва ташқи муҳитнинг салбий таъсиридан оммавий ҳимоялашда “миллий, маънавий,



мафкуравий иммунитетни уйғунликда шакллантириш” ва уни амалиётда самарасига эришишда маънавий идеал омили муҳим аҳамият касб этади. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилганига қарамасдан ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш, ушбу жараёнга инновацион ёндошувни жорий этиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш тизимининг методологияси яратишни тақозо этмоқда. Мазкур методологияни яратилиши ижтимоий-маънавий муҳит ва унга нисбатан таҳдидларларни олдини олишда ижтимоий-фалсафий, педагогик психологик ҳамкорликни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Майр, J. (2009): Lehrerin werden in Österreich. Empirische Befunde zum Lehramtsstudium. In: Erziehung und Unterricht 1-2/2009, S. 18)
2. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. -Т.: Узбекистан, 1996 й. - Б. 17.
3. Отамуродов С.О. ва бошқ. Маънавият ва маърифат асослари. -Т.: Узбекистан, 1998. - Б. 8.
4. Очилова Б. Маънавий-маърифий жараён ва таълим-нинг глобаллашуви. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(55), 2020. - Б 5.
5. Саидова Д.И. Маънавий-маърифий фаолият орқали меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ахлокий кадриятларини шакллантириш. -Т.: Замонавий таълим, №3 2017. -Б 94.

